

АБУЛҚОСИМОВ Мурод Ҳасанович,
Олий ҳарбий божхона институти
ўқитувчиси

ШАХС ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

УДК 334.012.8

АБУЛҚОСИМОВ М.Ҳ. ШАХС ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Мақолада шахснинг иқтисодий хавфсизлиги, ички ва ташқи таҳдидларнинг моҳияти очиб берилган, улар таснифланган ҳамда таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг таъсирини камайтириш масалалари ўрганилган.

Таянч иборалар: иқтисодий хавфсизлик, шахснинг иқтисодий хавфсизлиги, ички ва ташқи таҳдидлар, ишсизлик, камбағаллик, ижтимоий ҳимоя.

АБУЛҚОСИМОВ М.Х. УГРОЗЫ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ЛИЧНОСТИ И ПУТИ ИХ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ

В статье раскрыта сущности экономической безопасности личности и внутренних и внешних угроз, осуществлена классификация угроз, изучены вопросы предотвращения и снижения их влияния.

Ключевые слова: экономическая безопасность, экономическая безопасность личности, внутренние и внешние угрозы, безработица, бедность, социальная защита.

ABULKASIMOV M. H. THREATS OF ECONOMIC SAFETY OF PERSONALITIES AND THE WAYS OF THOSE PREVENTION

The article reveals the essence of personal economic safety and internal and external threats, classification of the threats, the issues of this prevention and decreasing of their influence.

Keywords: economic safety, personal economic safety, internal and external threats, unemployed, poverty, social safety.

Шахснинг иқтисодий хавфсизлиги мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, миллий хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шахснинг иқтисодий хавфсизлиги унинг шахсий фаровонлиги, бойлиги даражасидан, жамият ва давлат миқёсида тутган ўрнидан қатъий назар ҳар бир инсон ҳаёт фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шахснинг иқтисодий хавфсизлиги шахснинг ижтимоий жиҳатдан ривожланиши, камол топиши ва ҳаётининг манфаатларининг кафолатли ҳимояланишини таъминлайдиган ҳолатидир. Шу боисдан шахснинг иқтисодий хавфсизлиги ҳар бир инсон учун ҳаётда муваффақият, фаровонликка эришганлигининг ҳамда жамиятда барқарор мавқега эга бўлганлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади¹.

Шахс иқтисодий хавфсизлигининг объекти шахснинг ўзи, унинг ҳуқуқ ва бурчлари, айниқса, иқтисодий соҳадаги манфаатлари ҳисобланади.

Шахс иқтисодий хавфсизлигининг субъектлари қуйидагилар ҳисобланади:

- шахс, яъни ҳар бир инсоннинг ўзи. Бунга сабаб инсон ҳаёт фаолиятига раҳна, хавф солувчи таҳдидларнинг асосий қисми субъектив тавсифга эга бўлиб, уларни шахснинг ўзи бартараф этиши мумкин;

- жамият. Жамиятнинг ижтимоий институтлари шахснинг баъзи ҳуқуқларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аралашувисиз ҳам кафолатли амалга оширилишини таъминлаш имкониятига эга бўлади;

- давлат. Давлат ўзининг ҳар бир фуқаросини мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида ҳам ҳимоя қилишни кафолатлайди².

Шахс манфаатлари, хавфсизлигига таҳдидлар кўп қиррали бўлиб, улар энг умумий тарзда қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- шахснинг ўз олдида нотўғри мақсадларни қўйиши, уни белгилашда хатога йўл қўйиши;

- бошқа, ташқи ижтимоий-иқтисодий тизимлар таҳдиди;

- ички ижтимоий-иқтисодий тизимда вужудга келадиган таҳдидлар;

- табиий тавсифдаги таҳдидлар.

¹ Экономическая безопасности личности. // <http://newinspire.ru/l/2/25/1071-ekonomicheskaya-bezopasnost-lichnosti.html>

² Экономическая безопасности личности. // <http://newinspire.ru/l/2/25/1071-ekonomicheskaya-bezopasnost-lichnosti.html>

Шахс иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар бўйича иқтисодий адабиётларда турли қарашлар ва тавсифлар мавжуд. А.П.Гайдарнинг³ фикрича, шахсга нисбатан хавф-хатар ва таҳдидлар қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг иш билан паст даражадаги бандлиги ва ишсизлик;

- инфляция;

- камбағаллик ва қашшоқлик;

- шахс ва оиланинг деградацияга учраши;

- иқтисодиётнинг криминаллашуви;

- таълим, соғлиқни сақлаш ва фаннинг ҳуқуқий нормалар билан тартибга солилмаган ҳолда тижоратлашуви;

- таълим, аҳолининг билим даражасининг пасайиши;

- бепул тиббий хизмат сифатининг пасайиши;

- аҳоли турмуш даражасининг пасайиши ва умр узоқлигининг қисқариши.

Ушбулар ҳақиқатда инсон ҳавфсизлигига таҳдидлар ҳисобланади. Аммо бу таҳдидлар инсоннинг ўзига боғлиқ бўлган ёки ижтимоий-иқтисодий тизимда вужудга келадиган таҳдидлар бўйича турларга ажратилмаган.

Шахс иқтисодий хавфсизлигининг таркибий элементлари (компонентлари) ва уларга хавф солувчи таҳдидларнинг бирмунча кенг қамровли классификацияси О.А.Степичева, В.В.Чернова, М.А.Котельниковалар томонидан ишлаб чиқилган. Улар шахснинг иқтисодий хавфсизлигининг озиқ-овқат ва уй-жой билан таъминланиш, аҳолини такрор ишлаб чиқариш, ҳуқуқбузарлик, соғлиқни сақлаш, экология, меҳнат муносабатлари, маданият ва таълим, ахборот билан таъминланиш, даромадлар бўйича табақаланиш ва молиявий хавфсизлик соҳаларидаги шакллари ҳамда уларнинг ҳар бирига хавф солувчи таҳдидларни тавсифлаганлар. Масалан, муаллифларнинг фикрича, озиқ-овқат таъминотидаги шахснинг иқтисодий хавфсизлигига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича истеъмолнинг ҳақиқий ҳолатининг меърий миқдорига мос келмаслиги ҳамда очарчилик, яъни озиқ-овқатларга аҳолининг кўпчилик қисмининг иқтисодий жиҳатдан эга бўла олмаслик

³ Гайдар А.П. Безопасность жизнедеятельности. Учебное пособие. // Источник: <http://www.newsocio.ru/nsps-333-1.html>

1-жадвал. Шахнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар классификацияси¹

Шахс иқтисодий хавфсизлигининг компонентлари	Шахс иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар
Озиқ-овқат билан таъминланишдаги шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) асосий озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича ҳақиқий ва меъерий истемол даражаларининг мос келмаслик таҳдиди; 2) очарчилик таҳдиди (озиқ-овқатга иқтисодий жиҳатдан эриша олмаслик)
Уй-жой билан таъминланиш ва унда яхши шароитларда яшаш бўйича шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) уй-жойнинг етишмаслиги таҳдиди; 2) яшаш учун ноқулай уй-жойлар улушининг кўпайиши таҳдиди
Аҳолини такрор ишлаб чиқариш жараёнларидаги шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) аҳоли сонининг камайиши таҳдиди; 2) аҳоли умумий сонидида боқимандалар улушининг кўпайиши таҳдиди; 3) ажралишлар сонининг кўпайиши таҳдиди; 4) абортлар сонининг кўпайиши таҳдиди; 5) аҳоли алкоголизи таҳдиди
Ҳуқуқбузарлик соҳасидаги шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) жиноятчиликнинг оммавий тарзда тарқалиши таҳдиди
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) врачлар сонининг камайиши ва малака даражаларининг пасайиши таҳдиди; 2) аҳоли касалланишининг ўсиши таҳдиди
Экология соҳасидаги шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) атмосферага чиқиндилар чиқарилиши оқибатида ҳавонинг заҳарланиши, ифлослантирилиши таҳдиди
Меҳнат муносабатлари соҳасидаги шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) иқтисодий фаол аҳоли сонининг камайиши таҳдиди; 2) ишсизликнинг кўпайиши таҳдиди
Даромадлар бўйича табақаланиш ва молиявий хавфсизлик соҳасидаги шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) ЯИМ қисқариши таҳдиди; 2) жамиятда даромадлар бўйича табақаланишнинг кучайиши таҳдиди; 3) аҳолининг камбағаллашуви таҳдиди; 4) аҳолининг кредитга боғлиқлиги таҳдиди
Ахборот билан таъминланиш соҳасидаги шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) аҳолининг ахборот билан таъминланмаслик («ахборот очлиги») таҳдиди
Маданият ва таълим соҳасидаги шахснинг иқтисодий хавфсизлиги	1) таълим олиш имкониятларининг камайиши таҳдиди; 2) аҳолининг маданий неъматларга эришиш имкониятларининг камайиши таҳдиди

таҳдидлари мавжуд. Аҳолини такрор ишлаб чиқариш жараёнларидаги шахснинг иқтисодий хавфсизлигига аҳоли умумий сонининг камайиши, улар сонидида боқимандалар, ишлаб чиқаришда банд бўлмаган аҳоли улушининг кўпайиши, ажралишлар ва абортларнинг ҳамда алкоголизмга (ичкиликка) ҳужум қўйган аҳоли сонининг кўпайиши таҳдидлар ҳисобланади (қаранг: 1-жадвал).

Ушбу шахснинг иқтисодий хавфсизлиги компонентлари ва уларга таҳдидлар классификациясини тўлиқ маъқуллаган ҳолда бизнинг фикримизча, шахснинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдидларни шахснинг ўзига боғлиқ бўлган ички ҳамда ташқи ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва табиий омиллар таъсиридаги ташқи таҳдидлар гуруҳига ажратиш орқали янада тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг фикримизга кўра, шахс иқтисодий хавфсизлигига ташқи таҳдидлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларининг жамият эҳтиёжлари ўсишига нисбатан орқада қолиши, циклик ўзгаришлар, бозор конъюнкту-

¹ Степичева О.А., Чернова В.В., Котелникова М.А. Целевая функция и угрозы экономической безопасности личности. // «Социально-экономические явления и процессы», 2015, №2. Т. 10. -С. 88.

2-жадвал. Шахс иқтисодий хавфсизлигига ички ва ташқи таҳдидлар¹

Инсонга нисбатан ташқи таҳдидлар	Инсоннинг ички таҳдидлари
Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларининг жамият эҳтиёжлари ўсишига нисбатан орқада қолиши	Шахснинг ўз олдига нотўғри мақсадларни қўйиши
Бозор конъюнктурасидаги тебранишлар, циклик ўзгаришлар, иқтисодий инқирозлар	Билим ва касб-малака даражасининг пастлиги ёки йўқлиги
Ишсизлик ва инфляциянинг бошқариб бўлмайдиган даражаларда ўсиши	Кам ҳақ тўланадиган ишларда ишлаши
Ижтимоий соҳалар, шу жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари ривожланишининг паст даражадалиги	Рақобат курашида синиши, бозори касод бўлиши
Мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ёмонлашуви	Даромади кам бўла туриб болалари ва боқимандаларининг кўп бўлиши
Табиий муҳитнинг ёмонлашуви, табиий офатлар, фавқуллода вазиятлар	Туғма ногиронлик, инсоннинг жисмоний ва ақлий имкониятларининг чекланганлиги
Табиий ёки капитал ресурсларининг етарли эмаслиги	Боқувчисидан айрилиб қолиши
Мамлакатда криминаллашув, уюшган жиноятчилик ва коррупциянинг кучайиши	Қариганлиги ва касалликлари ҳамда жароҳатлар сабабли меҳнат қобилиятини вақтинчалик ва бутунлай йўқотганлиги
Мамлакат ташқи қарзларининг ҳаддан ташқари ортиб кетиши	Инсоннинг қатъиятсизлик, сабрсизлик, чидамсизлик, дангасалик, пассивлик каби салбий шахсий хусусиятлари
Жаҳон иқтисодиётидаги инқирозли вазиятлар	Инсоннинг ёмон ҳулқ ва одатлар (ахлоқсизлик, ичкиликбозлик, қиморбозлик ва носоғлом ҳаёт тарзи)га мойиллиги
Турли давлатлар ўртасида низо, зиддият, қарама-қаршилиқларнинг кучайиши	Омадсизлик

расидаги тебранишлар, иқтисодий инқирозлар, ишсизлик ва инфляция даражасининг бошқариб бўлмайдиган даражаларда ўсиши, ҳудудлар ривожланишидаги номуносивбликнинг кучайиши, табиий ёки инсон, капитал ресурсларининг етарли эмаслиги, ижтимоий соҳалар, шу жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари ривожланишининг паст даражадалиги, мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ёмонлашуви, табиий муҳитнинг ёмонлашуви, табиий офатлар, фавқуллода вазиятлар туфайли вужудга келади. Шунингдек, ташқи таҳдидлар турли давлатлар ҳамда улар билан ҳамкорлик қилувчи сиёсий ва ижтимоий ҳамкорлик кучлари ўртасидаги низо, зиддият, қарама-қаршилиқларнинг кучайиши, жаҳон иқтисодиётидаги инқирозли вазиятлар, мамлакат ташқи қарзининг ҳаддан ташқари ўсиб кетиши сабабли ҳам вужудга келиши мумкин.

Таҳдидлар ичида шахсга нисбатан тажовуз, зўравонлик алоҳида хусусиятга эга. Ижтимоий жиҳатдан зўравонлик инсон шахсини камситиш,

дискриминация қилиш, унинг эркинлиги ва ҳуқуқларини чеклаш орқали шахснинг ҳаёти ва нормал фаолиятига таҳдид солишда намоён бўлади. Иқтисодий соҳада инсон шахсига нисбатан тажовуз рэкетда, товламачилик ва фирибгарликда ўз ифодасини топади. Шахснинг хавфсизлигига нисбатан жинойий мазмунга эга таҳдидлар мамлакатда криминаллашув, уюшган жиноятчилик ва коррупциянинг кучайиши орқали вужудга келади.

Шахснинг ўзига боғлиқ бўлган таҳдидлар ички таҳдидлар ҳисобланади. Бу турдаги таҳдидларга шахснинг ўз олдига нотўғри мақсадлар қўйганлиги; билим ва касб-малака даражасининг пастлиги ёки йўқлиги; кам ҳақ тўланадиган ишларда ишлаши; рақобат курашида синиши, бозори касод бўлиши; даромади кам бўла туриб болалари кўп бўлиши; туғма ногиронлик; инсоннинг жисмоний ва ақлий имкониятларининг чекланганлиги; қариганлиги ва касалликлари ҳамда травмалар сабабли меҳнат қобилиятини вақтинчалик ва бутунлай йўқотганлиги; боқувчисидан айрилиб қолиши; инсоннинг қатъиятсизлик, сабрсизлик, жиззакилик, шошқалоқлик, чидамсизлик, дангасалик, пассив-

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

лик, ва бошқа шу каби шахсий хусусиятлари; инсоннинг ёмон ҳулқ ва одатлар (ахлоқсизлик, ичкиликбозлик, қиморбозлик ва носоғлом ҳаёт тарзи)га мойиллик; омадсизлик киради (қаранг: 2-жадвал).

Бозор иқтисодиётида шахс иқтисодий хавфсизлиги унинг ишсизлик, бозори касод (банкрот) бўлиш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий сабаблар оқибатида камбағал бўлиб қолиши, мол-мулкидан маҳрум бўлиб қолиш ёки жиддий моддий зарар кўриш хатаридан сақланишда ифодаланади. Шунга мувофиқ равишда шахс иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг икки тури мавжуд. Улардан биринчиси, шахснинг ўз фаолиги, ўзининг ҳатти-ҳаракати, ўзини ҳар томонлама ривожлантириш, билим олиш, касб-ҳунарга эга бўлиш, малакасини ошириб бориш, мансаб ва мартабаларини ўстириб боришга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятига асосланади. Шахс иқтисодий хавфсизлигининг иккинчи тури оила, жамият ва давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватланишга асосланади.

Шахснинг иқтисодий хавфсизлиги кўп қиррали бўлиб, иқтисодиёт, экология, атроф-муҳит, озиқ-овқат, ахборот, иш билан бандлик, таълим ва маданият, соғлиқни сақлаш ва шу каби соҳаларда амалга оширилади. Иқтисодий хавфсизлик инсонларнинг бой ёки камбағал бўлишидан, қайси ижтимоий табақага мансублигидан қатъий назар барча кишиларга тааллуқлидир.

Шахснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизми давлат ҳокимияти органлари, нодавлат ташкилотлари ва институтлари ва улар фаолиятининг мақсади, вазифалари, тамойиллари, усулларини белгилаб берувчи ҳуқуқий муҳит ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ифодалайди. Шахснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва таҳдидларнинг олдини олиш, уларнинг таъсирини камайтириш механизмида давлат асосий ўрин тутди. Давлат ҳар бир шахс, ижтимоий ташкилот ва институтлар, умуман жамиятни ҳимоя қилади¹.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳамда бурчлари белгилаб берилган. Давлат фуқароларнинг қуйидаги муҳим ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган:

- яшаш ҳуқуқи;
- эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи;
- ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлар, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқи;
- фикрлаш, сўз ва эътиқод, виждон эркинлиги ҳуқуқи;
- меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи;
- ёлланиб ишлаётган барча фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқи;
- қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи;
- малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи;
- билим олиш ҳуқуқи. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади;
- ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи².

Шахснинг иқтисодий хавфсизлиги мамлакатда мустаҳкам иқтисодий хавфсизлик тизими мавжуд бўлгандагина таъминланади. Мустаҳкам иқтисодий хавфсизлик тизими, ички ва ташқи таҳдидларнинг олдини олиш, уларнинг таъсирини камайтириш эса давлатнинг самарали ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг шаклланишини тақозо этади. Давлатнинг аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган сиёсатининг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот 6 баробардан зиёдга, аҳолининг даромадлари 9 мартага ошди. 2015 йилда 1990 йилга нисбатан аҳоли жон бошига сабзавот-полиз маҳсулотлари истеъмоли 2,7 баробарга, картошка қарийб 2 баробарга, мева ва узум 6,3 баробарга, гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмоли 39%га, сут маҳсулотлари 45,6%га ўсган. Шу даврда бир кишига тўғри келадиган меъёрга нисбатан эса аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ишлаб чиқариш ҳажми узум маҳсулотлари 3,1 баробардан ортиқ бўлган. Бошқа маҳсулотлар бўйича ҳам меъёрдан ортиқ миқдорда ишлаб чиқарилган. Шу боисдан 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-

¹ Қаранг: Экономическая безопасности личности. // <http://newinspire.ru/1/2/25/1071-ekonomicheskaya-bezopasnost-lichnosti.html>.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: «Ўзбекистон», 2017. 24-29; 36-43-моддалар.

овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Ҳар 100 оиланинг 42 таси енгил автомобилларга эга бўлиб, бу 5 йил аввалги кўрсаткичдан 1,5 баробар кўп, 47 та оила шахсий компьютерлар билан таъминланган ва бу даврда ўсиш 3,9 баробарни ташкил этди. Ҳар 100 та оиладан 31 таси кондиционерга эга ёки бу борадаги ўсиш 1,7 баробарга тенг, ҳар 100 та оилага 234 та мобиль телефон тўғри келмоқда ёки бу соҳадаги ўсиш 1,6 баробарни ташкил этмоқда¹.

Юртимиздаги 10% таъминланган ва 10% етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ, яъни «децил коэффицентини» 2010 йилдаги 8,5% ўрнига 7,7% ни ташкил этди. Жини индекси 2010 йилдаги 0,390 ўрнига 2015 йилда 0,280 ни ташкил этди. «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» индекси бўйича 2015 йилда Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади, 2013 йилда 60-ўринда эди. Бу эса мамлакатимизда инсон манфаатлари ва унинг иқтисодий жавфсизлигини таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилганлигидан далолат беради².

Эндиликда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг амалга оширилиши инсон иқтисодий хавфсизлигини ташқи таҳдидлардан ҳимояланишини янада кучайтирадиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шарт-шароитлар яратади. «Ижтимоий соҳани ривожлантириш» деб номланган тўртинчи йўналиш аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, аҳолини электр энергия, газ билан таъминлашни яхшилаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни

ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутди³.

Хусусан, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб 25 мингта инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш ҳисобига 256,4 минг иш ўрни ташкил этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини тўлиқ ижро этиш назарда тутилган. Ишсизлик даражаси энг юқори бўлган минтақаларда 46,8 минг янги иш ўрни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасаларининг 10 минг нафар битирувчисига кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда. Катта ёшли авлодни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий нафақалар бериш тартибини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари киритилган. Жумладан, 78 та туман тиббиёт бирлашмаси, 7 та шаҳар ва 2 та вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини қайта қуриш, тез тиббий ёрдам хизматини 1200 та махсус автотранспорт билан таъминлаш режалаштирилмоқда. Қишлоқ жойларда 15 мингта арзон уй-жой, 415 километрлик сув таъминоти қувурлари, 316 километрлик газ таъминоти қувурлари ва 291 километрлик ички йўллар қуриш режалаштирилган. Аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида 86 та янги автобус йўналишини жорий этиш ва 537 та замонавий автобус харид қилиш назарда тутилмоқда⁴.

Шахс хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг таъсирини камайтириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

– иқтисодий ривожлантириш ва эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларни изчиллик билан давом эттириш, кишиларнинг тадбиркорлик фаолиятини ҳамда истеъмолчилар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш;

– фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашнинг самарали механизмларини вужудга келтириш;

³ «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонига шарҳ.

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

² Ўша жойда.

– ижтимоий низоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган даражада ишсизликнинг ўсишининг олдини олиш, янги иш ўринларини яратиш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини ўстириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

– камбағаллик ва қашшоқлик муаммосини келтириб чиқариши мумкин бўлган таҳдидларни баҳолаш ва уларнинг олдини олиш, кам таъмин-

ланган аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш;

– уюшган жиноятчилик ва коррупция, наркомания ва бошқа ижтимоий иллатларга қарши курашишни кучайтириш;

– инсоннинг фаоллик, бағрикенглик (толерантлик), қатъиятлилик, чидамлилик, иродалилик, шукроналик каби қобилият ва сифатларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. 1-илова.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. / Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. – Т.: «Ўзбекистон», 2017.
4. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. – Т.: «Akademiya», 2012. -94-95-б.
- Алабичева М.А. Экономическая безопасность личности в условиях экономической стратификации российского общества. // «Социально-экономические явления и процессы», 2014, №9, Т. 9. -С. 13-18.
5. Гайдар А.П. Безопасность жизнедеятельности. Учебное пособие. // Источник: <http://www.newsocio.ru/nspgs-333-1.html>.
6. Гуреева М.А. Экономическая безопасность личности в современной России. // Международный научный журнал «Символ науки», 2016, №4. –С. 57-63.
7. Степичева О.А., Чернова В.В., Котельникова М.А. Целевая функция и угрозы экономической безопасности личности. // «Социально-экономические явления и процессы», 2015, №2, Т. 10. -С. 83-89.
8. Экономическая безопасности личности. // <http://newinspire.ru/l/2/25/1071-ekonomicheskaya-bezopasnost-lichnosti.html>.
9. Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М., РАГС, 2001.
10. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.
11. Ўзбекистон иқтисодиёти: ахборот-таҳлилий бюллетени. 2016 йил январь-декабрь. - Т.: ИТМ, 2017.